

Мўғил татар қиссаси ۱۴-қисм

Абу Абдуллоҳ Шоший

Ушбу дарс куйидаги мавзуларни ўз

ичига олади: – Баъзи мусулмон

амирларнинг мўғулларга

яқинлашуви; – Майяфарикин шахри

қамали; – Носир Юсуф билан

Хулагунинг алоқасини ўзгариб

қолиши; – Хулагунинг мактуби;

<https://islamhouse.com/۳۹۶۴۸۳>

- Мўғул татар қиссаси ۱۴-қисм

- Бисмиллахир роҳманир роҳим
- Мўғул-татар қиссаси
- Ўтган сұхбатимизда:
- Майяфариқин шаҳри қамали
- Хулагунинг мактуби
- Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

Мўғул татар қиссаси ۱۴- қисм

Бисмиллахир роҳманир роҳим

Мўғул-татар қиссаси

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир.
Унга ҳамду сано ва истиғфорлар
айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз,
нафсларимиз ҳамда ёмон

амалларимиздан паноҳ тилаймиз.
Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани
адаштирувчи, адаштирган кимсани
ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен
шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ
йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва
Элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

Ўтган сұхбатимизда:

- Халифанинг ўлими;
- Боғдод кутубхонасининг
оқибати;
- Тарихда ислом
кутубхоналарининг мунтазам
талофат кўргани;
- Боғдодга ўт қўйилиши;

- Боғдод аҳлининг баъзиларини тирик қолдирилиши;
- Муаййиддин Алқамийнинг Боғдодга ҳоким қилиниши;
- Боғдод ағдарилишининг асорати каби мавзуларни зикр қилган Эдик.

Баъзи мусулмон амирларнинг мўғулларга яқинлашуви

Ўтган сухбатимизда мўғуллар қўли билан Ироқ ва Боғдоднинг забт этилиши, буюк шаҳар миллиондан ортиқ инсонларни йўқотиши, Боғдоддек буюк шаҳарнинг оёқости қилиниши ва ислом пойтахтидаги

илм-фан, маданият ва тараққиёт манбаларини йўқ қилиниши каби буюк мусибатларни мусулмонлар бошларидан кечирганига гувоҳ бўлган эдик. Ироқнинг маҳв этилиши, мўғулларнинг ислом оламига босқинининг сўнгги бекати эмаслиги, балки уларнинг таъмалари ва қатлиомлари ислом ўлкаларининг янги ҳудудларига давоми этиши кундек равшан эди.

Ҳулагу Богдодни ер билан яксон қилгандан сўнг, Форсдаги Ҳамадонга отланди. Сўнгра Урмия кўли қирғоғида жойлашган Шоҳ қалъасига қараб юрди. Бу кўл Эроннинг шимоли-гарбий томонида

жойлашгандир. У бу қалъага Аббосийлар қасридан, мусулмонларнинг байтул молидан, тижоратчи ва мулқдорлардан талонтарож қилиб тортиб олган катта бойликларни қўйди.

Хулагу Боғдод атрофига мўғул посбонларини қўйиб, ўзи эса янги ҳужум ҳақида фикр қилди. Бу босқин Сурия ерларига бўлишида шак-шубҳа йўқ. У Сурия минтақасини ўрганишга киришди. Хулагу бу минтақанинг заиф ва қувватли нуқталарини ўрганишга бел боғлаган чоғда, баъзи мусулмон амирлар унга дўстлик изҳорини кучайтира бошладилар. Боғдоддаги

милионлаб мусулмонларнинг тўкилган қонлари қотмасидан бу амирлар мўғул қўмондони қонхўр Ҳулагу билан дўстлик ва иттифоқлик алоқаларини янгидан тиклаш мақсадида расмий делегациялар юборишга киришдилар. Бироқ бу амирлар ўз ҳамкорликларида қадр-қиймат топмадилар. Ҳулагу билан улар ўртаси осмон билан ер мисоли эди. Шунга қарамай, улар арзимаган нарсага эришиш мақсадида "йўқдан кўра бор" қабилида иш тутдилар. Энг камида Ҳулагунинг ёмонлигидан сақланиб қолишарди.

"Шубҳасиз ораларингизда (жангга чиқишдан) четда қоладиган, агар сизларга бирон мусибат етса, «Оллоҳ ёрлақаб улар билан бирга бўлмадим», (акс ҳолда ҳалок бўлур Эдим) дейдиган кимсалар ҳам бор"[\[1\]](#)

Улар Ироқ ва Боғдод ҳимоясида иштирок этмаганларига ич-ичларидан хурсанд бўлишар, ғолиб ким бўлишидан қатъий назар унга яқинлашишга шошилар эди. Ҳолбуки, бу амирлар ўз ҳалқи олдида уларни уруш талофатларидан асраб қолган ҳокимлар қиёфасида кўриниш

берар, аслида эса оташин оловга ҳозирланган ёғочлар мисоли эдилар,

"Сўзлаганларида эса сўзларига (оҳангдор, фасоҳатли бўлгани учун берилиб) қулоқ солурсиз. (Лекин уларнинг диллари иймон ва яхшиликдан холи бўлгани учун) улар гўё (деворга) йўлаб қўйилган (чирик) ёғочларга ўхшайдилар"[\[۳\]](#)

Бу турдаги амирларнинг саъй-ҳаракатларини қўллагувчи, ишларига баракотлар тилагувчи ва халқни уларга эргашишга ва қилган амаллари қандай бўлса ҳам ундан рози бўлишларига тарғиб этувчи уламолари бўлгани ажабланарли

эмас. Бу "олимлар" "Расулуллох саллоллоху алайҳи ва саллам Худайбияда мушриклар билан сулҳ тузганларида, нима учун биз мўғуллар билан сулҳ тузмайлик? Набий саллоллоху алайҳи ва саллам Мадинада яҳудийлар билан аҳдлашган бўлсалар, нимага энди биз Боғдоддаги мўғуллар билан аҳдлашолмаймиз? Мўғуллар сулҳга мойил бўлиб турибди, зеро, Оллоҳ таоло шундай деган-**ку**:

"Агар улар сулҳга майл қилсалар,
сиз ҳам унга мойил бўлинг ва
Оллоҳга таваккул қилинг! Албатта,
Унинг Ўзи эшитгувчи,
билгувчиидир"**[۳]**

Мўғуллар сулҳ тузишга рози бўлса,
келишув ва ҳамкорликни истасалар-
у, биз эса, Раббимиз азза ва
жалланинг каломини эшишиб, билиб
туриб, шариъатга хилоф қилишни
хоҳлаймизми?" – каби мисолларни
бу амирларга суннати набавия ва
қуръондан келтириб берганида ҳам
шубҳа йўқ. **Оллоҳ таоло улар**
борасида шундай марҳамат қилади:

"Улардан яна бир гуруҳи борки,
сизлар Китобдан (**Тавротдан**)
бўлмаган нарсани Китобдан деб
ўйлашингиз учун Таврот китобини
тилларини бураб (**бузиб-ўзгартириб**)
ўқийдилар ва Оллоҳнинг ҳузуридан
келмаган (**ўзларининг сўзларини**)

«Оллоҳнинг ҳузуридан келган»,
дейдилар. Улар билиб туриб Оллоҳ
ҳақида ёлғон сўзлайдилар"[\[ξ\]](#)

"Сайидлари Ҳулагу"ning ҳузурига
у бизнинг ҳамкорлигимизни қабул
этармикан? – деган саволларни
ўзаро бир-бирларидан сўраган,
ҳаяжон ва хавотирдан қалблари
кўқсларидан чиқиб кетгудек бўлиб,
шошилганларича йўлга отланишди.
Мосулнинг амири Бадруддин
Луълуъ[\[ο\]](#), Туркияning маркази ва
ғарб томони – Анадол минтақасидан
амир Кай Ковус II ва амир
Рукнуддин Қилич Арслон IV, Ҳимс
амири Ашроф Айюбий, Дамашқ ва
Халаб амири Салоҳиддин

Айюбийнинг невараси Носир Юсуфлар Ҳулагунинг ҳузурига бўйин эгиб келишди. Бу амирлар шимолий Ирек, Шом ва Туркия минтақаларининг катталари эди, бу эса Ҳулагунинг қархисида ғов бўлиб турган муаммоларнинг ечими, шунингдек, ўша минтақаларнинг жангу-жадалсиз қўлга киритилиши эди.

Майяфариқин шаҳри қамали

Ҳеч кутилмагандан Ҳулагунинг қархисида бир муаммо пайдо бўлди, бу муаммо Айюбий амирларидан бири унга бўйсунишдан бош тортгани

етмагандай, охирги томчи қони қолгунича унга қарши жанг қилишга қарор қилгани эди. Ҳулагу уни бу минтақалардаги тинч-осудаликка раҳна солувчи шунчаки бир хунрез, деб эътибор қилди.

Ўз муруввати, қадри ва динини ҳимоя қилиш учун оёққа турган мусулмон амир Комил Мұхаммад Айюбий^[۱] –раҳимаҳуллоҳ– эди. У ҳозирги Туркияning шарқи, Ван кўлининг ғарбида жойлашган Майяфариқин^[۲] минтақасининг амири эди. Комил Мұхаммад Айюбий –раҳимаҳуллоҳ–ning қўшини Туркияning шарқи ва шимол тарафдан Дажла ва Фурот

дарёлари орасидаги жойларни ўз ичига олган Жазира минтақасини назорат қилар эди^[۸]. Бир сўз билан айтганда, амир Комил Муҳаммад Туркиянинг шарқи, Ироқнинг шимоли-ғарби ва Суриянинг шимоли-шарқига ҳоким эди.

Мўғуллар Боғдод қўрғонлари қархисида турган вақтда амир Комил Муҳаммад Дамашққа Носир Юсуфнинг олдига йўл олди. У Боғдодга ёрдам бериш фикрини олға сурди. Мўғулларга қарши жиҳод қилишни, керак бўлса шу йўлда шаҳид бўлишни таклиф қилди. Нусратга эришмаган тақдирда ҳам азиз ҳолатда шаҳид бўлишни ихтиёр

қилди. Дамашқ амири Носир Юсуф эса, қарор қабул қилиш замонида қўрқоқлиги, маънан заифлиги, ҳайрати, тараддути сабаб зарур қарорни қабул қилишдан ожизлик қилди. Комил Муҳаммад Боғдод ишғол қилинганини эшитгунича Дамашқда қолиб кетди. Сўнгра Майяфариқинга қайтди^[9]. Хуллас, Комил Муҳаммад бир ўзи яккаланиб қолди.

Хулагу Сурия ерларини босиб олишни истади, аммо у айни вақтда Комил Муҳаммад Айюбий – раҳимаҳуллоҳ–нинг қўл остида бўлган Жазира минтақасини босиб ўтмасдан ва шимолий Ироқдан

юрмасдан бу мақсадига эриша олмасди. Шимолий Ироқнинг катта амирлари дини-ю, ватанига хоинлик қилиб, душманга бўйсуниб, Ҳулагунинг ишини қулайлаштирган бўлса-да, Майяфариқин амирлигини куч билан қайириб ўтиши лозим эди. Майяфариқин шаҳри жуда ҳам мустаҳкам қўрғонли шаҳар бўлиб, Қора тоғлар тизими орасида жойлашган ва уни ишғол қилиш анчагина мاشаққатли эди. Ҳулагу бирон талофат кўрмасдан осонлик билан йўлни давом эттириш пайида бўлди.

Ҳулагу мусулмон амирни жиҳод фикридан чалғитиш ниятида, унинг

атрофидаги барча амирлар қатори шартларсиз таслим бўлишга чақириб элчи йўллади. У ўзи ёлғиз мўғулларга қарши турган, қолганлар барчаси шармандаларча таслим бўлган эдилар. Ҳулагу илоннинг ёғини ялаган, айёрликда тулкини чангига қолдирадиган маккор эди. У мўғулни эмас, қиссис (**яъни поп**) Ёқубий исмли насроний арабни элчи қилиб юборди. Бу элчи амир Комил Муҳаммадга Ҳулагунинг мақсадини, унинг куч қуввати-ю, қанчалар ваҳшийлигини чиройли суратда, амирнинг она тили, араб тилида мукаммал баён қилиб бера олиши билан бирга, у насроний ҳам

Эди, бу эса мўғуллар насронийлар билан ҳам иттифоқчилик тузган деганини англатарди. Бу Комил Муҳаммад учун ўта хатарли бўлиб, муҳим стратегик аҳамият касб қилас эди. Чунки Майяфариқин амирлиги Туркияning шарқида жойлашган, шарқ ва шимоли-шарқдан мўғуллар билан иттифоқдош бўлган насроний Арманистон ва насроний Гурж мамлакати билан чегарадош эди.

Амир Комил Муҳаммад икки ўт орасида қолганди, агар элчини рад этса, худди кичик мусулмон оролчаси мисоли барча томондан улкан мунофик, мушрик ва

насронийларнинг қуршовида
қолиши турган гап эди. **Яъни:**

- ۱. Шарқдан насроний
Арманистон;
- ۲. Шимоли-шарқдан насроний
Грузия;
- ۳. Жануби-шарқдан мўғуллар
иттифоқчиси мусулмон Мосул;
- ۴. Ғарбдан мўғулларга қуллук
қилиб турган Салжуқий
амирликлари амир Кай Ковус II ва
амир Рукнуддин Қилич Арслон IV;
- ۵. Жануби-ғарбдан Ҳалаб амири
Носир Юсуф қуршовида эди.

Амир Комил Мұхаммадда бирор қутулиш йўли мавжуд эмасди, у хоҳ мусулмон ўлкалардан, хоҳ насронийлар томондан бўлсин, устига-устак мўғул қўшини Майяфариқин минтақасини қамал қилишга тайёр эди. Хуллас, у ўта хатарли ва қалтис ўринда турагар эди. Бироқ Комил Мұхаммад Айюбий – раҳимаҳуллоҳ – насроний элчи қиссис Ёқубийни қўлга олди ва қатл қилди. Амир Комил Мұхаммад "элчига ўлим йўқ", қабилидаги қоидага хилоф иш қилиши билан, мусулмонларнинг қалбларини ўзининг темир тирноғи билан тимдалаётган қасос ўтини оз бўлса-

да тин олдириш учун Ҳулагуга очикдан-очиқ уруш эълон қилган эди. Қиссис Ёқубийнинг ўлдирилиши Ҳулагунинг таслим бўл! – деган буйруғига равshan жавоб эди. Ҳулагу Шомга амир Комил Муҳаммад ишини битирмасдан киролмаслигига кўзи етиб, бу ишга бошини қотира бошлади.

У кўп ўйлаб ўтирмасдан катта қўшин ҳозирлади ва қўшиннинг бошига ўғли Ашмутни^[1] қўмондон этиб, у билан бирга Илка нойон ва Сунтойларни қўшиб Майяфариқинга сафарбар қилди^[2]. Ашмут катта мўғул

лашкарини олиб, Мосулнинг амири Бадруддин Луълуъ ўз шаҳри дарвозаларини очиб бергандан сўнг, бевосита Майяфариқинга йўналди ва шаҳарни қуршаб олди. Сўнгра амир Комил Муҳаммадга элчи йўллади. Агар таслим бўлсанг, ўлимдан ҳамда юртингни вайрон қилинишидан саклаб қоласан.

Борди-ю, исён қилсанг, ўласан ва юртинг харобага айлантирилади, дея таҳдид қилди. Бироқ Комил Муҳаммад таслим бўлишга қаттиқ эътиroz билдириди ва "Мен сизларнинг ширин сўзларингизга ҳаргиз алданмайман ҳамда мўғул қўшинидан зифирча ҳам

қўрқмайман. Модомики тирик эканман, сизлар билан жанг қиласман", – дея жавоб йўллади [۱۲].

Бу вақтда икки мамлакат Арманистон ва Грузия қўшинлари шаҳарнинг шарқ томондан қамалга киришган эди. Бу шиддатли қуршовнинг бошланиши Боғдод вайрон қилинганидан ۴ ойдан кейин, яъни ۱۰۶ ҳ.с. ражаб ойида/ ۱۲۰۸ м.с. июл ойига тўғри келган эди. (۱۳ - x)

Қахрамон шаҳар қаттиқ қаршилик қилиш билан жонбозлик кўрсатди. Амир Комил Муҳаммад халқини событқадамлик ва Оллоҳ йўлидаги

жиходга тарғиб қилған ҳолда нодир суратдаги шижаатни гүё қайта тирилтирди. Дарҳақиқат, у нобакорлар даврида лаёқатли, құрқоқлар замонида ҳақиқий довюрак, калта ва бефаҳмлар яшаб турған онда ақлли ва фаросатли киши әди. Амир Комил Мұхаммад халқининг руҳиятини күтариш учун хазиналарида бор тилла, кумуш ва қиммат баҳо нарсаларини уларга тарқатиб, шаҳар мудофаасига ишлатди. Бутун Майяфариқин ахли бирлашиб, юртларини вайрон қиласыз деб турған тажовузкор мұғулларга қарши жиход тадоригини күрдилар^[۱۳].

Майяфариқин шахри ҳар томондан аёвсиз қамалда турганда ёндош мусулмон амирликлари ёрдам қўлларини чўзишлари фарз эди, лекин ундей бўлмади. Уларга на қурол-аслаҳа, на озиқ-овқат ва на дори-дармон жўнатдилар.

Майяфариқиндаги ака-ука, опасигил, ўғил-қиз, ота-оналари бўлмиш мусулмон биродарларини четга суриб, ўша пайтда ер юзида ўзини якка куч соҳиби, деб эътибор қилаётган мўгулларни эҳтиром қилишди.....

Майяфариқиннинг ёрдамсиз қолишининг сабаблари

Мусулмон амирларнинг
хоинликларига кўз юмсак, ислом
ўлкалари Ҳалаб, Мосул, Туркия ва
бошқалардаги омма
мусулмонларнинг қилмишларига
беэътибор бўлиш қийин иш. Бу
халқлар қаерда эди? Уларнинг
орасида Майяфариқиндаги
мусулмонлар билан қон-қариндош
бўлгани қанча-ю, борди-келди
қилувчилари қанча эди? Амирлар
кўриб турганимиздек разил аҳлоқли
бўлсалар, халққа нима бўлган эди?
Исломий биродарликни ҳисобга
олмагандა ҳам, соғлом фитратнинг
ўзи душман қуршовида турган
қариндошларига озиқ-овқат, қурол

ва дориларни етказиб туришларини тақозо қиласынан! Нима учун бұзғалы мекеме мендердің мінтақадағы ислом уммати жим турди? Ваҳолангки, улар нафақат дин ва ақийда, ҳатто қон ва насаб жиҳатдан оға-ини әдилар-ку!

Дархакиқат, халқлар лом, мим, демадилар, **уларнинг сукутлари бир неча хатарли ишлардан дарак әди:**

Биринчи: Халқлар ҳам ҳокимларидан күп фақр қилмас ҳамда –қандай сурат ва шаклда бўлмасин– дунё ҳаётига ўта муҳаббатли әдилар.

Иккинчи: Бу мекеме мендердің мінтақалар халқларини давомли суратда туб

моҳиятдан бурувчи амалиётлар,
ўзларининг чиройли тарзда
"тинчлик" сиёсатини
юргизаётганлигини уларнинг
онгларига сингдирувчи амирлар,
вазирлар ва олимлар бор эди. Бу
ҳокимлар дини, обрўси, ватани ва
халқини, балки бутун мусулмонлар
шашини ҳимоя қилишга бел
боғлаган амир Комил Муҳаммадни
таъна тошларига кўмиб ташлаган
бўлсалар ажабмас. [Улардан:](#) ўзи
Комил Муҳаммад халқини уруш
гирдобига солиб, юртини вайрон
қилинишига сабаб бўлганидан кўра
ўрнини бўшатгани яхши эмасмиди?
Комил Муҳаммад қурол-

аслаҳаларини топширганида
муаммо ҳал бўларди, лекин у ер
куррасидаги ҳукмрон давлат –
мўғулларга қарши чиқди-я! Бу хато
Майяфариқин ҳалқини тамоман
қирилиб кетишидан бошқа нарсага
олиб келмайди. Ҳулагу
Майяфариқинга факат Комил
Муҳаммадни тахтдан олиш учун
келаётгани ва унинг ҳалқига адовати
йўқлигини баён қилувчи мактуб
йўллагани ҳам аник, деган сўзларни
айтувчилари бўлганида шубҳа йўқ.
Асл моҳиятдан узоклаштирувчи
амалиётлар ҳалқнинг иштиёқини
ўчириб, унинг муруъати ва
ғурурини ўлдирган эди.

Учинчи: Халқдан гаплар, сўзлар,
хужжату далилларга қаноат
қилмаганларига қилич ва қамчи
билинг англастилар эди. Алҳол, бу
минтақалар халқлари қаҳр ва зулм
билин бошқариб турилар, ҳокимлар
ва халқ бир-бирларини хуш кўрмас
эди.

Бундай шароитларни кўриб,
Майяфариқин амирлигининг том
маънода қаттиқ душман қуршовида
қолганлигини фахмлай оламиз.
Шунингдек, бу минтақанинг
атрофидаги ислом амирликларидан
бирорта мусулмон ҳоким ёки халқ
ҳаракат қилмаганидан,
Майяфариқин халқини тирик

ўликлар сафига қўшиб қўйсак ҳам
бўлаверади. Субҳаналлоҳ.

Майяфариқин қамалида Носир
Юсуф Айюбийнинг тутган ўрни

Мосулнинг ва Салжуқийларнинг
амирларини виждонсизлиги ва
шармандалигини бироз тушундик
ҳам дейлик, Ҳалаб ва Дамашқнинг
амири Носир Юсуф^[۱۴]

Айюбийникини тасаввур ҳам
қилолмаймиз. Унинг Комил
Муҳаммад билан дин, ақийда ва
қўшнилик алоқаларидан ташқари,
ўта муҳим стратегик боғлиқликлари
ҳам бор эди. Майяфариқин
амирлиги Ҳалабнинг шимоли-

шарқида жойлашган бўлиб, агар у ағдарилса, мўғулларнинг навбатдаги қадами Ҳалаб бўлиши турган гап эди. Устига-устак, бу амирларнинг иккаласи ҳам Айюбийлардан бўлиб, қон-қариндошлиқ алоқалари ҳам бор эди. Буюк қаҳрамон Салоҳуддин Айюбий –раҳимаҳуллоҳ– оламдан ўтганига атиги ۷· йил бўлган эди. У киши –раҳимаҳуллоҳ– ۱۰۸۹ ҳ.с. да вафот этган эди. Унинг бу невараси Носир Юсуф қандай шармандаликка қўл уради экан? Унинг Майяфариқинга кўмаклашишдан ожизлик қилганини на шаръий ва на ақлий жиҳатдан оқлаб бўлади, субҳаналлоҳ,

"Яна сизлар (**ҳали**) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур"[\[10\]](#)

Амир Комил Мұхаммад –
раҳимаҳуллоҳ – Носир Юсуф
Айюбийдан мүғуллар ва унинг
иттифоқчилари насронийлар
қуршовида қолиб, ахволи
қийинлашиб бораётган
Майяфариқин халқига озиқ-овқат,
қурол-аслача ва дори-дармон
юборишини сўради. Бироқ Носир
Юсуф иккиланмай, очиқчасига
мадад қўлини чўзишдан бош торди.
Алҳол, у бор-бутини сотиб, эвазига
мүғуллар аҳдлар ва бурчларга риоя
қилмаслигини билгани ҳолда,
уларнинг дўстлигини сотиб олган

Эди. Мўғуллар аҳдларига вафо
қилди ҳам, дейлик, агарчи бутун
дунёниг хазиналарига эга бўлиш
эвазига мусулмонларни
душманларга топшириш, энг катта
хоинлик эмасми? Афсуски, шундай
бўлди ҳам....

Носир Юсуф билан Ҳулагунийг
алоқасини ўзгариб қолиши

Носир Юсуф амир Комил
Муҳаммадни ёрдамсиз қўйгани ва
Майяфариқин қамалида иштирок
этгани етмагандай, Боғдод
ишғолида мўғулларга ёрдамга
жўнатган ўғли Азизни Ҳулагунийг
ҳузурига мактуб билан жўнатди[۱۶].

Мактубда Мисрдаги Мамлуклар салтанатига ҳужум қилиши ва уни эгаллаши учун ундан мүғул армиясини ёрдамга жүнатишини илтимос қилган эди. Шундай даврда у Мисрга ҳужум қилишни Ҳулагудан сўраган эди!

Субҳаналлоҳ. Дарвоқеъ, Носир Юсуф янги дўсти Ҳулагуга улкан совға-салом йўллашни ҳам унутмаган эди^[۱۷]. Лекин, субҳаналлоҳ,

"Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур"^[۱۸]

Ҳулагуга Носир Юсуфнинг ўзи келмасдан ўғли Азизни жўнатиши

ёқмади, ҳолбуки, унинг ҳузурига барча амирларнинг ўзлари келишар эди. Устига-устак, Носир Юсуфнинг кучайиб бораётгани ва Ҳулагудан ўз ерларини янада кенгайтиришида кўмакчи бўлишини талаб қилаётгани уни ажаблантириди. Чунки Ҳулагу мутлоқ ўзидан ўзгани қархисида бўлишини истамас эди. Ҳулагу ўзим сенинг юртингга бораман, деди. Бундан курқувга тушган Носир Юсуф хотин, болачақасини Карак шаҳри [۱۹] га жўнатди [۲۰]. Мўғуллар Фуротдан ўтибди деган хабарни эшитган Дамашқ халқининг аксарияти қаттиқ қўрқувдан қаҳратон қиш

бўлишига қарамасдан, Мисрга қараб кўчишди. Уларнинг кўпчилиги йўл асносида ўлиб кетишди, қолганлари талон-тарож қилинди^[۲۱]...

Хулагунинг мактуби

Хулагу ўша заҳоти ёзувчи югурдак мусулмон адибларини ҳузурига чорлади ва Носир Юсуфга жавоб ҳозирлади. У мактубда қўйидагиларни сўзлади: "Оллоҳ таоло азиз китобида Сабаъ маликаси ҳақида:

"У айтди: «Аниқки подшоҳлар қачон бирон қишлоққа (бостириб) кирсалар уни вайрон этурлар, аҳолисининг обрў-эътиборлиларини

эса хор-зор қилурлар. Уларнинг
қилмиш-одатлари шудир"[\[۲۲\]](#) – деб
ҳикоя қилганидек, биз ҳам Боғдодни
Оллоҳнинг қиличи ила ишғол этиб,
суворийларини қатл қилдик,
биноларини вайрон айлаб, халқини
асир олдик. Унинг халифасини
тутиб келиб, баъзи калималарни,
яъни хазина ва сир-асрорлари
ҳақида сўрасак, ёлғон сўзлади.
Сўнгра уни надомат олди ва йўқ
қилишимизга лойик бўлди.
Дарҳақиқат, халифа нафис
бойликларни жамлаган разил инсон
эди, мол-мулк тўплаган-у,
рижолларни эътибордан четда
қолдирган эди. Унинг номи-ю,

қадри баланд эди. Биз эса, Оллоҳдан тўқислик ва мукаммалликдан паноҳ сўраймиз! –Ҳулагу тақвадорликнинг юқори манзилатида гўё!–.

Бу мактубим қўлингга теккани он, одамларинг, мол-мулкинг ва суворийларинг билан ер куррасининг султони "Шоҳаншоҳ", "Рўйизамин" нинг тоатига шошил!
Оллоҳ таоло улуғ китобида:

"Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатигина бўлур (**яъни ўзгаларнинг қилган яхши амалларидан унга бирон фойда етмас**). Унинг қилган саъй-ҳаракати эса яқинда (**Киёмат кунида**)

кўринур. Сўнгра у (ўша сайд-харакати учун) тўла-тўкис жазо-мукофот олур"[\[۲۳\]](#) – деб айтганидек, унинг (яъни Шоҳаншоҳнинг) ёмонлигидан эҳтиёт бўл-да, яхшилигига эришгин! Шунингдек, бизнинг элчимизни ҳузурингда ушлаб турма,

"Сўнгра яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажрашиш (лозим)"[\[۲۴\]](#)

Бизга келган хабарларга қараганда,
Шом ва бошқа жойлардаги
тижоратчилар мўғулларнинг шаҳар
дарвозалари қархисида турганидан
хабар топиб, мол-мулклари ва

хотинларини олиб, уруш бўлаётган
ерлардан узоққа Карвон саройга
(мўғуллар ўз тилларида Мисрни
шундай атарди)[\[۲۰\]](#) кетганмиш....

Агар улар тоғларда бўлсалар,
тоғларни супуриб ташлаймиз. Агар
ерда бўлсалар, ерни ўпириб
юборамиз. Гапнинг лўндаси,
қочганлар учун нажот йўқ. Зеро,
шундринг ва сувдек оддий
нарсалар-да меникидир.

Ҳайбатимиздан шерлар қўрқади,
амир-у вазирлар
чангалимиздадир"[\[۲۱\]](#).

Бу мактубни ўқиб Носир Юсуфнинг
юраги ёрилаёзди. У Ҳулагунинг
мақсадини яхши англаган эди.

Ҳулагу унинг мукаммал тарзда
taslim бўлиши талабида эди. Унга
халқи ва тижоратчилардан қочиб
кетганларнинг пайига тушишини,
Аббосийлар халифасининг оқибати
нима бўлганлигини хабарини бериб,
сен ҳам мол-мулкингни taslim
қиласдан, яшириб юрмагин!
Борди-ю, шундай қилсанг,
халифанинг куни бошингга
тушмасин яна, дегани эди. Бундан
сўнг, у учун нима чора қолган эди?
Мол-мулқ ва сultonлик муҳаббати
Носир Юсуфнинг қонида жўш ураг,
шу юздангина мўғул хонига қуллуқ
қилиб, у билан дўстлашган эди.
Энди эса Ҳулагу унга: Қани, зудлик

билин ёнимга кел, дунёни факат менгина тақсим қиласман. Агар келмасанг, Аббосийлар халифасининг кунини сенинг ҳам бошингга соламан, деяётган эди.....

Бундан сўнг Носир Юсуф қандай қарорга келди? Унинг қарори нима эди? Амир Комил Муҳаммадни ва Майяфариқин халқини қандай кунлар кутиб турибди? Бу каби саволларга келажак дарсларимизда жавоб топамиз, иншааллоҳ.

Валлоҳу таъала аълам....

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

[၁] Нисо: ၇၃

[၂] Мунофиқун: ፩

[၃] Анфол: ၆၁

[၄] Оли-Имрон: ၇၈

[၅] Макризий "ас-Сулук" (၁/၄၁၁ -
бет)

[၆] Комил ибн Шихоб Ғозий ибн
Одил. "ал-Бидаяту ван-Нихоя".

[၇] Ҳозирги кунда Туркияning
Диёрбакр миңтақасидаги Силван
шахридир.

[۸] Ғомидий "Жиҳадул-мамалик"
докторлик рисоласи (۷۰ - бет).

[۹] Саллабий "ал-Мўғул байнал-
интишор вал-инкисор" (۳۳۲ - бет).

[۱۰] Юшумут.

[۱۱] Рошиуддин "Жомиъут-
таварих" (۲ - жилд, ۱ - қисм, ۳۱۹ -
бет), Ғомидий "Жиҳадул-мамалик"
докторлик рисоласи (۷۰ - бет).

[۱۲] Рошиуддин "Жомиъут-
таварих" (۲ - жилд, ۱ - қисм, ۳۱۹ -
бет), Ғомидий "Жиҳадул-мамалик"
докторлик рисоласи (۷۰ - бет).

[۱۳] Рошиуддин "Жомиъут-
таварих" (۲ - жилд, ۱ - қисм, ۳۲۰ -

бет), Ибн Шаддод "ал-Иълқ ал-Хотийро" (۳ - жилд, ۴ - қисм, ۴۹ - бет), Ғомидий "Жиҳадул-мамалик" докторлик рисоласи (۷۷ - бет).

[۱۴] Носир Салоҳиддин Юсуф ибнул Азиз Мұхаммад ибн Абу Зоҳир. "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя".

[۱۵] Нахл: ↗

[۱۶] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (۱۷/۳۸۷), Мақризий "ас-Сулук" (۱/۰۰۰ - бет).

[۱۷] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (۱۷/۳۸۷) Мақризий "ас-Сулук" (۱/۰۰۰ - бет).

[۱۸] Фотир: ↘

[۱۹] Урдуннинг ғарб томонида жойлашган шаҳар.

[۲۰] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۸۶).

[۲۱] Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (۱۷/۳۸۶).

[۲۲] Намл: ۳۴

[۲۳] Нажм: ۳۹, ۴۱

[۲۴] Бақара: ۲۲۹

[۲۵] Мақризий "ас-Сулук" (۱/۵۰۷ - бет).

[۲۶] Макризий "ас-Сулук" (۱/۵۰، ۷ - бет), Суютий "Тарихул Хулафо" (۴۷۳، ۴۷۴ - бет).